

МАКТАБ ЎҚУВ РЕЖАСИДА ТЕХНОЛОГИЯ ФАНИНИНГ ҚЎЙИЛИШИ ВА УНИНГ ТАРИХИЙ ТАРАҚҚИЁТИ

Р.О.Пахратдинова – катта ўқитувчи

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети

Таянч сўзлар: мактаб, ўқувчи, дарс, синф, технология, фан, таълим, тарбия, босқич, кўникма, малака, касб, қизиқиш, дизайн, меҳнатсеварлик, методика

Ключевые слова: школа, студент, курс, класс, технологии, наука, Образование, воспитание, сцена, умение, квалификация, занятие, интерес, дизайн, усердие, методика

Key words: school, student, course, class, technology, science, education, upbringing, stage, skill, qualification, occupation, interest, design, diligence, methodology

Ўқувчиларга ишлаб чиқариш соҳалари ҳақида маълумот бериш, уларни келгусида ишлаб чиқариш соҳаларида ишлашга тайёрлашда умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиладиган технология фани дарслари катта аҳамиятга эга. Чунки мазкур технология фани дарсларида мактаб ўқувчи-ларига техника, технология, ишлаб чиқариш асослари ҳақида дастлабки маълумот ва тушунчалар берилади, уларни касбларга йўналтириш ишлари олиб борилади. Технология фани дарслари жарёнида интерфаол метод-лардан фойдаланиш орқали ўқувчиларга билим асосларини бериш билан бирга уларда топқирлик, ижодкорлик, мустақил фикрлаш ва ишлай олиш каби қобилиятларини ҳам ривожлантириш зарур. Чунки Мустақил Республикамининг равнақи учун мустақил, ижодкор ишчи-хизматчилар ҳар қачонгидан ҳам ҳозир зарур. Бинобарин бусиз ҳеч қайси давлатнинг, ҳеч қайси жамиятнинг тараққиётини тасаввур этиб бўлмайди. Дарҳақиқат, агар тарихга назар ташлайдиган бўлсак, инсоният тараққиётининг барча давларида ижодий меҳнат башариятни олға ҳаракатлантирувчи асосий омил бўлиб келган. Шундай экан, ёш авлодни ижодий ишлашга, ижодий меҳнатга ўргатиш, уни ўз замонасининг энг илғор билимлари билан қуроллантириш ҳамма халқлар учун энг долзарб вазифа ҳисобланган [1].

Маълумки, ёш авлодга таълим-тарбия бериш, уларни касб-хунарга ўргатиш ҳамма вақт ҳам жамият аъзолари, давлат раҳбарлари ва мутафаккирларнинг эътиборида бўлган. Хусусан бу ҳақдаги ғоя ва ўғитлар Абу Наср Форобий, Абу Али Ибн Сино, Имом ал-Бухорий, Алишер Навоий каби мутафаккирлар, Т.Кампанелла, Т.Мор, Я.А.Коменский, Ж.Ж.Руссо, И.Пестолецци, А.Герцен, К.Д.Ушинский ва бошқа кўплаб машҳур педагоглар томонидан билдирилган. Уларнинг кўпчилиги болаларга, ўқувчиларга ҳунарга ўргатиладиган меҳнатга ўргатишни тарғиб қилганлар. Мактабларда меҳнат таълими, яъни технология фани машғулотларини амалга оширишни айримлар тарбия воситаси деб қараган бўлса, бошқалар буни факт ҳунарга мактабларида амалга ошириш мумкин деб ҳисоблаганлар [2].

1847 йилда Швецияда ўқитувчилар семинарийсида меҳнат дарслари ўқитиладиган бўшлаган эди. Кейинчалик бу жой шу соҳа бўйича дунё марказига айланди. Бу ерда 10 йил ичида турли мамлакатлардан 5 мингдан ортиқ ўқитувчи келиб, меҳнат таълимини ташкил этилишини ўргандилар. Қўл меҳнатида ўргатиш методикаси биринчи бор Швецияда ишлаб чиқилди ва шу сабабли бу “Швед системаси” деган ном олди.

1866 йилда Финляндияда ҳамма бошланғич синфларда ва ўқитувчилар тайёрлайдиган ўқитувчилар семинарийларида меҳнат дарслари ўқитиладиган бўшлаган эди. Кейинчалик бошқа мамлакатларда, жумладан Россияда ҳам меҳнат дарслари ўқитиладиган бўшлайди. Умуман олганда дастлаб ўқувчиларга қўл меҳнати ўргатиш зарарур, деган ғоя пайдо бўлган. Қўл меҳнати ўқитиш ва меҳнат билан тарбиялаш биринчи бор пайдо бўлган жой – Финляндиядир. 1887 йилда шу асосда ўқитувчилар семинарлари ташкил этилиб, унда 2,5 мингдан ортиқ ўқитувчи тайёрланган.

1882 йилда Францияда парламент томонидан халқни

ўқитиш ва ўқитувчи кадрлар тайёрлаш мактабларида меҳнат таълимини мажбуран ўқитиш кераклиги қонун йўли билан расмийлаштирилган. Бунда меҳнат таълими тизими Г.Салисис томонидан яратилган эди.

1888 йилда АҚШдаги Бостон шаҳрида қўл меҳнати семинарийси ташкил этилган. 37 та шаҳардаги мактабларда қўл меҳнати ўргатишга киришилган.

1888 йилда Петербург ўқитувчилар тайёрлаш институтида қўл меҳнати ўргатиш йўлга қўйилган. 1888 йилдан 1909 йилгача Россияда 2 мингдан ортиқ қўл меҳнати ўқитувчилари тайёрланган. 1810 йилдан бошлаб 895 та ўқув жойларида меҳнат таълими ўқитиладиган бўшлаган. Бу ишлар ташкилотчиси ва тарғиботчиси Петербург ўқитувчилар институти ўқитувчиси К.Ю.Циркуль бўлган. У меҳнат таълимига оид методик қўлланма ёзган. Шунингдек у ҳаммаси Касаткин билан ҳамкорликда меҳнат ўқитувчиларини тайёрлаш бўйича дастур ҳам тузган. Бу дастур бўйича то 1917 йил Октябрь тўнтаришигача машғулотлар олиб борилган.

1901 йилда Англияда ҳам меҳнат таълимини ўқитиш мажбурий қилиб қўйилган ва 1902 йилда юқори бошланғич билим юртларига меҳнат дарси киритилган [3].

Маълумки, технология фани, яъни меҳнат таълими ўқув фани сифатида мактаб режасига 1932 йилда киритилган эди. Айрим сабабларга кўра 1937 йилда эса чиқариб ташланган. Бироқ тадқиқотчилар меҳнат таълимини ўқув фани сифатида ўқитилиши зарурлигини эътироф этганлари ва исботлаб берганларидан кейин яна 1954 йилда мактаб режасига киритилди. Шундан бери меҳнат таълими ўқув фани сифатида ривожланиб келмоқда ва мактабларда ўқитилмоқда. Узоқ вақт давомида меҳнат таълими ўқув фани ўз тараққиёти давомида мактабларда меҳнат таълими ва меҳнат политехника практикуми, машинашунослик, электротехника, ишлаб чиқариш асослари, политехник практикум, техник меҳнат, хизмат кўрсатиш меҳнати, қишлоқ хўжалик меҳнати; металлларга ишлов бериш технологияси, ёғочларга ишлов бериш технологияси, газламаларга ишлов бериш технологияси, пазандачилик асослари, қишлоқ хўжалик меҳнати каби ном ва бўлимлар кўринишида ўқитиб келинди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида эса технология ва дизайн, сервис хизмати, қишлоқ хўжалик асослари йўналишларида ўқитиладиган бўшлаган эди.

1999 йилда республикада ДТС ва ўқув дастурлари яратилди ҳамда амалиётга жорий этилди. Умумтаълим мактабларида меҳнат таълимини бешта йўналишда ўқитиш сақлаб қолинди (ёғочларга ишлов бериш технологияси, металлларга ишлов бериш ДТС технологияси, газламаларга ишлов бериш технологияси, пазандачилик асослари, қишлоқ хўжалиги асослари).

2006 йилда янги узвийлаштирилган ўқув дастурлари ва ДТСлар қабул қилинди, амалиётга жорий этилди.

2010 йилда меҳнат таълими йўналишлари маъмури оптималлаштирилди ва уларнинг номлари ҳам ўзгартирилди, яъни бешта йўналиш ўзаро бириктирилиб, учта йўналишга келтирилди, улар технология ва дизайн, сервис хизмати, қишлоқ хўжалиги асослари деб номланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, 2017-2018 ўқув

йилидан бошлаб меҳнат таълими атамаси технология атамаси билан алмаштирилди, технология ва дизайн, сервис хизмати, умумлашган йўналишлари белгиланди. Яъни қишлоқ хўжалиги асослари йўналиши дастурдан чиқариб ташланди ва ўрнига бўлинмайдиган синфлар учун умумлашган йўналиши киритилди. Шунингдек, агар синфдаги ўқувчилар сони 25 ва ундан ортиқ бўлса, синф ўқувчилари 2 гуруҳга, яъни ўғил болалар ва қизлар гуруҳига бўлиб дарс ўтилиши ҳам белгилаб қўйилди. Бунда технология ва дизайн йўналиши ўғил болалар учун, сервис хизмати йўналиши эса қиз болалар учун мўлжалланган. Умумлашган йўналиш эса юқоридаги ҳар иккала йўналишга оид мавзулардан иборат бўлиб, бу йўналиш ўқувчилари икки гуруҳга, яъни ўғил болалар ва қиз болалар гуруҳига бўлинмайдиган синфлар учун мўлжалланган [4].

2012 йилда Мустақилликдан кейин ўзбек тилида илк марта меҳнат таълимидан 5-синф учун Ш.Шарипов, Н.Муслимов, Ў.Толипов, Қ.Абдуллаева, О.Қўйсинов, В.Сатторов, С.Ахмадалиев, М.Мўминовалар ҳаммуаллифлигида Шарқ нашриёти томонидан дарслик чоп этилди [5].

2017 йилда Ш.Шарипов, Н.Муслимов, О.Қўйсиновлар ҳаммуаллифлигида 6,7-синфлар учун Шарқ нашриёти томонидан дарслик, 2019 йилда Ў.Тоҳиров, И.Каримов, М.Максимовалар ҳаммуаллифлигида 8-синф учун Илм-зиё нашриёти томонидан дарслик ва 3.Сатторова, Н.Абдусаломова, Н.Ахмедовалар ҳаммуаллифлигида 9-синф учун Ўзбекистон нашриёти томонидан технология ўқув фанидан дарсликлар чоп этилди ҳамда мактабларга етказилди. Шу билан технология фани бўйича дарсликлар муаммоси ҳал этилди [6;7].

1982 йилда “Ўқитувчи” нашриёти томонидан меҳнат таълими ўқитиш методикаси фанидан ўзбек тилида ёзилган биринчи қўлланма – Ж.Рамизовнинг “Умумтехника предметларини ўқитиш ва меҳнат таълими методикаси” номи қўлланмаси нашр этилди. Бунгача фақат рус тилидан таржима қилинган

китоблардан фойдаланиб келинган.

1992 йилда “Ўқитувчи” нашриёти томонидан меҳнат таълими методикаси фанидан К.Давлатов, А.Воробьев, И.Каримовлар ҳаммуаллифлигида ўзбек тилида ёзилган иккинчи қўлланма “Меҳнат ва касб таълими назарияси ҳамда методикаси” қўлланмаси нашр этилган.

2014 йилда “Ўзбекистон файласуфлар уюшмаси нашриёти” томонидан Н.Муслимов, Ш.Шарипов, О.Қўйсиновлар ҳаммуаллифлигида меҳнат таълими методикаси фанидан ўзбек тилида ёзилган “Меҳнат таълими методикаси ва касб танлашга йўллаш” номи биринчи дарслик нашр этилган.

2021 йилда “ТерДУ нашр-матбаа” нашриёти томонидан М.Х.Шомирзаев муаллифлигида ёзилган Технологик таълим йўналиши талабалари ва умумий ўрта таълим муассасалари “Технология” фани ўқитувчилари учун ўзбек тилида “Технологик таълим методикаси” номи дарслик нашр қилинган.

Ушбу дарслик технологик таълим йўналиши ўқув режасида белгиланган “Технология таълим методикаси” фан дастури асосида тайёрланган бўлиб, унда технология таълим методикаси фанининг методологик ва дидактик асослари, тарихий тараққиёти шунингдек, умумий ўрта таълим муассасаларининг 5-9 синфларида технология ўқув фани машғулотларини ташкил этиш, технология фани дарсларида янги педагогик технологияларни қўллаш, интерфаол методлардан фойдаланиш бўйича тавсиялар берилган ва дарс ишланмаларидан намуналар келтирилган [8].

Хулоса қилиб айтганимизда юқорида баён этилган маълумотлардан аён бўладики, ёш авлодни ҳалол меҳнат қилишга, турли касб-хунарларни эгаллашга ўргатиб бориш халқимизнинг бутун ижтимоий-тарихий тараққиёти жараёнида муқаддас анъанага айланган. Аҳли донишлар, назоратчи ва амалиётчи олимлар томонидан бу соҳада кенг қўламли тадқиқот ишлари олиб борилган ва олиб борилмоқда. Бу ишлар ҳозирги кунда республикамизда технология таълими тизимини ривожлантиришда катта аҳамиятга эгадир.

Адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. -Т.: “Ўзбекистон”, 2017, 546-б.
2. Хашимов К., Нишонов С. Педагогика тарихи. Дарслик. –Тошкент: Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриоти. 2005, 304-б.
3. Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. -Тошкент: “Ўқитувчи”, 1994.
4. Ўзбекистон Республикасининг УРҚ-637-сон “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. –Т.: 23.09.2020.
5. Шарипов Ш.С. ва бошқалар. Меҳнат таълими: Умумий ўрта таълим мактабларининг 5-синфи учун дарслик. -Т.: “Шарқ”, 2012.
6. Шарипов Ш.С., Қўйсинов О.А., Абдуллаева Қ. Технология: Умумий ўрта таълим мактабларининг 6-синфи учун дарслик. –Т.: “Шарқ”, 2017, 240-б.
7. Шарипов Ш.С., Қўйсинов О.А., Абдуллаева Қ. Технология: Умумий ўрта таълим мактабларининг 7-синфи учун дарслик. –Т.: “Шарқ”, 2017, 240-б.
8. Шомирзаев М.Х. Технология таълими методикаси. Дарслик. -Т.: “ТерДУ нашр – матбаа” нашриёти, 2021, 632-б.

РЕЗЮМЕ

Маколада технология таълими тизимини ривожлантиришда умумий ўрта таълим мактаблари ўқув режасида технология фанининг қўйилиши ва назоратчи ва амалиётчи олимлар томонидан олиб борилган тадқиқот ишлари ва онгли равишда касб танлашга йўналтиришнинг таълимий ва тарбиявий аҳамияти ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье подчеркивается воспитательно-педагогическое значение внедрения технологий в учебные планы общеобразовательных школ и научно-исследовательской работы, проводимой научными руководителями и практиками, а также осознанная ориентация на выбор профессии в развитии системы технологического образования.

SUMMARY

The article emphasizes the educational and pedagogical significance of introducing technologies into the curricula of general education schools and research work carried out by scientific supervisors and practitioners, as well as a conscious orientation towards choosing a profession in the development of the technological education system.

НОМИНАТИВ ФАОЛИЯТНИНГ КОГНИТИВ ВА КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

А.А.Раҳимов – филология фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент
Самарқанд давлат чет тиллари институти

Таянч сўзлар: номинатив фаолият, номинант, когнитив қобилият, иккиламчи номинация, концепт.

Ключевые слова: номинативная деятельность, номинант, когнитивная способность, вторичная номинация, концепт.

Key words: nominative activity, nominant cognitive ability, secondary nomination, concept.

Номинацияни фаолият мезони асосида талқин тадқиқ қилиш ташаббуси билан чиққан Прага килиш ғояси тилни кўп вазифали фаолият сифатида лингвистик тўғраги аъзолари томонидан илгари